Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
20 июль
ЧОРШАНБА
№ 58 (12902)

www.th.uz

Мустақиллик, Тинчлик, Ободлик... Йигирма беш йилдирки, бу ҳаётбахш сўзлар халқимиз тилидан тушмай, одамларимизнинг онгу шуурига кундан-кун чуқур сингиб бораётир. Киндик қони шу азиз Ватан – серқуёш Ўзбекистон тупроғига томган инсоф-диёнатли ҳар бир инсон бу сўзлар суруридан қувват олиб яшамоқда. Яратган назари тушган диёримизнинг ҳар гўшасида кўтаринки руҳ, хуш кайфият мужассам. Юртдошларимиз қалбида ҳуррият шукуҳи, Ватандан фахрланиш, дахлдорлик ҳисси бисёр.



ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ:
ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАВАС МАНЗИЛИ



Вақт ўтгани сари мустақиллигимиз тарихини ўрганиш, бу улуғ неъматга қандай эришганимиз моҳиятига етиш, истиқлол қадрини чуқур англашнинг аҳамияти тобора ортиб бораверади. Беихтиёр тарихан қисқа даврда қандай улкан ривожланиш йўлини босиб ўтганимиз хусусида ўйга толасан ва: "Ким эдигу, ким бўлдик?" деган ҳаётий саволга жавоб излайсан. Жавоб эса ўтмишдаги истибдод даврини бугунги эркин ва фаровон ҳаётга қиёслаш асосида яққол намоён бўлади.

Вақтида не-не машаққатлар билан етиштирилган ҳосили кепакнинг нархидан ҳам арзон баҳоларда олиб кетилган ғўзанинг қадри инсон тақдиридан афзалроқ тутилиб, йилига 32 минг тоннадан ортиқ "оқ олтин" хирмони уюлган Юқори Чирчиқ воҳасида пахта майдони истиқлолнинг илк дамларидан тенг ярмига қисқартирилди. Галлачилик равнақи йўлида вилоят бўйича намуна бўлишга арзигулик мактаб яратилди. Мана шундай эзгу ишларнинг юртимиз бўйлаб кенг қулоч ёйиши натижасида миллий озодлигимиз эълон қилинган онларда бор-йўғи бир ҳафталик дон захирасига эга бўлган Ватанимиз қисқа вақтда ғалла мустақиллигига эришиб, бир неча йилдирки, ризқ-рўзимизнинг асосий манбаи ҳисобланган бу мўътабар маҳсулот хорижга ҳам экспорт қилинмоқда.

Туманимизда сўнгги беш йилда 1951 гектар, шу жумладан, 586 гектар интенсив боғ яратилди. Ўз навбатида, бу қуввати етти минг тоннадан зиёд мева-сабзавот маҳсулотларини сақлаш имкониятига тенг бўлган бешта замон талаблари даражасидаги музлаткичларнинг қурилиб, ишга туширилишига замин яратди. Бир сўз билан айтганда, туманда 2010-2015 йиллар мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш икки бараварга ортди. Шунингдек, туманда 2010 йилда 28,6 миллион дона тухум, 36,5 минг тонна сут, 9,8 тонна гўшт етиштирилган бўлса, 2015 йил якунига кўра, бу кўрсаткичлар 49 миллион донани, сутнинг салмоғи 54,6 минг, гўшт эса 13,4 минг тоннани ташкил этди.

Қувонарлиси, туманда 2010-2015 йилларда мамлакат иқтисодиёти ривожининг асосий локомотивига айланган саноатни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, саноат улушида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажмининг мутасил ортиб боришига эришилди. Жумладан, 2009 йилга нисбатан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 347,8 миллиард сўмга ёки 5 бараварга ортди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бундан беш йил аввал 383 минг сўмга тўғри келган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 2 миллион 742 минг сўмга тенг бўлди. Шу муддат ичида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 62 фоиздан 92 фоизга кўтарилди.

Гапни мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 13 июлда қабул қилинган "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти саноат салоҳиятини ошириш дастури тўғрисида"ги Қарорини ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида туманда "Текстиль технолоджи", "Юқори Чирчиқ металл инвест", "ЎзГермед фарм", "Мед стандарт класс", "Ихтиёр қурилиш файз", "Бест пласт", "Ехсон Майбод манфактуринг" ва "Кортекс сокс" сингари 25 га яқин йирик саноат корхоналари ишга туширилиб, 110 миллион 105 минг АҚШ долларилик инвестициялар ўзлаштирилди. Ўз навбатида, бу 2500 дан ортиқ янги иш ўринларини яратишга асос бўлди.

Давоми 2-бетда.

❑ Ким эдигу ким бўлдик?

«БОҒЛАРИНГ ЖАННАТ ДЕБ КЎЗ-КЎЗ ЭТАМАН...»

Фермер хўжалигимизни ташкил қилганимизга саккиз йил бўлди. Ўтган йиллар мобайнида ҳосилдорликни ошира бориб, ҳар гектар ердан...

Келинг, буларни қўя турайлик. Бўладиган гапдан гаплашайлик.

Йигирманчи асрда техникаси кучли давлатлар майдонга чиқди. Замон шуларники бўлди. Дунёнинг иқтисодий манзараси батамом ўзгарди. Энди озиқ-овқат саноати қудратли бўлган давлатлар давр суради. Негаки, одамлар техникасини йилда бир алмаштирса, дастурхонни кунига уч-тўрт марталаб янгилайди.

Куни кеча пойтахтимизда муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида иштирок этиб, шундай хулосага келдим. Бу анжуман биз учун нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам жуда катта фойда берди, десам янглишмайман.

Хабарингиз бор, анжуманга келган хорижлик меҳмонлар вилоятимиздаги боғ-роғларда, корхоналарда бўлиб, қишлоқ хўжалигини равнақ топтириш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган кўламли ишлар билан бевосита танишишди. Ўзимиз гувоҳмиз, улар мамлакатимиздаги интенсив боғ технологияси, маҳсулотни қайта ишловчи, сақловчи корхоналар фаолиятига жуда юқори баҳо беришди. Мева-сабзавотларимизнинг сифати-ку, уларни батамом лол қолдиргани аниқ. Тўғриси, уларнинг ҳайрат тўла сўзларини тинглаб, фахрланиб кетади, одам. Мана кўрасиз, ҳализамон Франция супермаркетларини Паркентнинг кишмиши, Германия ярмаркаларини Янгийўлнинг қовунтарвузи босиб кетади!

Шу десангиз, ўзимиз ҳам мўъжаз жойда боғ қилганмиз. Интенсив технология асосида. Бир келсангиз кўрарсиз: олма, нок, шафтоли, олхўри, гилоснинг ажабтовурларидан бор. Айтгандек, янги боғларимиз бу йил



шундай ҳосил солганки, "ё, қудратингдан", деворасиз! Олмаларимизнинг олди пишди, ҳисоб. Улардан узиб, "омонлик-сомонлик" деб набираларга улашаман.

Ўзимиз ҳам бола бўлганмиз. Олмаю ўрик, ноку гилос жону дилимиз эди. Лекин, у вақтлар мева деганлари анқонинг уруғига ўхшарди-да. Анорни, хурмони кўрганда: "Бу нима?" деб сўраганмиз-да, ахир. Бугун-чи? Бугунги серобликни, қут-баракани кўринг, энди. Мана шу боғлар бир пайтлар пахтазор бўлган десам, набираларим ишонишмаса керагов.

Ҳосилини еганда, деҳқонни ҳам дуо қиладиган халқмиз. Мана шу одатимизга беш кетаман. Энди битта илтимос: экканга раҳмат, деб фотиҳага қўл очганда, бизни – фермерни, тадбиркорни қўллаб-қувватлаб, мамлакатимизни мева-чевага бой жаннатмонанд юртга айлантираётган Президентимизни ҳам бир дуо қилиб қўйишни унутмайлик.

Заҳриддин САЙФУДДИНОВ,
боғбон.
Зангиота тумани.



Хабарлар, янгиликлар, таҳлилий мақолалар билан газетамизнинг интернет манзили

th.uz

сайтида ҳам танишишингиз мумкин.

БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ КАФОЛАТИ

Вилоят ҳокимлигида "Ижтимоий шериклик: тинчлик, тотувлик, фаровонлик ва барқарор ривожланиш кафолати" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

❑ Ижтимоий шериклик

У Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси, Ўзбекистон ННТ Миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ҳудудий бўлимлари томонидан ташкил этилди.

Қайд этилганидек, мустақиллик йилларида вилоятда нодавлат нотижорат ташкилотлар сони тезкор суръатларда ортиб бораяпти. Масалан, бу ерда 1991 йилда атиги 13 та ННТ фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони 723 тани ташкил этади. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, мустақилликнинг илк даврига нисбатан вилоятдаги ННТлар сони 56 бараварга ошган. Сўнгги тўрт йилнинг ичида уларнинг сони 55 фоизга кўпайди. Улар экология, спорт, ёшлар, ногиронлар, тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантириш ҳамда бошқа жами 16 та соҳа бўйича аҳолига турли ижтимоий хизматлар кўрсатиб келишмоқда.

– Мазкур семинардан кўзланган мақсад, давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашдир, – деди анжуманни очар экан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги ижтимоий шериклик бўйича жамоат комиссияси раиси Х. Эрматов. – Бу шубҳасиз, ҳудудлардаги кўплаб ижтимоий масалаларни ўз вақтида, ижобий ҳал этишда айни муддаодир.

Семинарда мамлакатимизда ижтимоий шериклик муносабатларининг ривожланиш босқичлари, ҳудудда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишда ижтимоий шериклик тамойиллари асосида олиб борилаётган ишлар ва галдаги вазифаларга бағишланган маърузалар тингланди.

Тадбир давомида иштирокчилар томонидан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан ташкил этилаётган қўшимча давлат гранти танловларининг устувор йўналиши ва мавзулари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. Шунингдек, мазкур танловларда иштирок этишнинг талаблари хусусида атрофлича маълумотлар берилди.

Семинарда вилоят ҳокимининг ўринбосари А. Қаршиев сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз.
Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.



❑ Маҳалла – демократия кўзгуси

Яқиндагина мамлакатимизда маҳалла раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўз якунига етди. Фуқаролар бой ҳаётий тажрибага эга, халқ орасида ҳурмат қозонган номзодларга овоз бердилар. Шундай экан, маҳалла аҳлининг эртасидан кўнгли тўқ.

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ЮРТ

Муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнда вилоят миқёсида 1 минг 158 нафар раис ва унинг 11 мингдан зиёд маслаҳатчиси сайланди. Эътиборлиси, жараёнда қатнашган вакиллар 167 та сайловда ёпиқ, 991 тасида очиқ овоз бериш йўли билан ўз хоҳиш-истакларини ифода этишди. Раисларнинг 750 нафари ушбу вазифага биринчи марта сайланди. Сайланганларнинг 10 фоизини эса аёллар ташкил этади.

Қонунийлик ва шаффофлик тамойиллари асосида ўтган сайловлардан кейин маҳалла раисларининг фаолияти ҳам Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган меъёрлар асосида олиб борилмоқда.

Давоми 2-бетда.

Депутат минбари

МАЪРИФАТЛИ ЭЛ ШИЖОАТЛИ БЎЛУР

Фарзандларимизни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашда китобнинг ўрни беқиёс. Шу боисдан ҳам ёшларни китобга ошно қилиш мақсадида вилоят, туман ва шаҳарлар марказларида замонавий "Китоб олами" мажмуаларини барпо этиш, уларни мамлакатимиздаги етакчи нашриётларда чоп этилаётган сара асарлар билан бойитиш, мажмуа таркибида интернет-кутубхона тизимини йўлга қўйиш борасида аниқ дастурлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Чирчиқ шаҳрида, Оҳангарон ва Бўстонлиқ туманларида замонавий кўринишдаги китоб дўконларининг қуриб, фойдаланишга топширилгани ана шу саъй-ҳаракатларнинг амалий намунасидир.

Бироқ, вилоятимиздаги айрим туман ва шаҳар ҳудудларида дастурда белгиланган муддат ўтиб бораётганига қарамай, "Китоб олами" мажмуаси учун бино ёки ер ажратиш ишлари ҳали тўлиқ охирига етказилмаган. Хусусан, Оққўрғон туманида Наврўз байрами арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган "Китоб олами" мажмуаси қурилиши ҳалигача бошланмаган.

Давоми 4-бетда.

Қисқа ва лўнда

Тошкентда 12-16 июль кунлари бўлиб ўтган I Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича қиймати 2 миллиард АҚШ долларидан зиёд бўлган 270 шартнома имзоланди.

* * *

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг умумий капитали ўтган йилнинг 1 июль ҳолатига нисбатан 23,3 фоиз ошиб, 2016 йил 1 июль ҳолатига кўра, 8,6 трлн. сўмни ташкил этди. Бу, банк тизими капиталининг етарлилик даражаси белгиланган халқаро меъёрлардан қарийб 3 баробар кўпдир. Банк тизимининг жорий ликвидлик даражаси эса бир неча йилдан буён 64,5 фоиздан юқори бўлиб, бу кўрсаткич ҳам жаҳон амалиётида умумқабул қилинган минимал даражадан 2 баробар ортиқдир, деб хабар қилмоқда Марказий банк ахборот хизмати.

* * *

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2015 йил ва 2016 йилнинг 6 ойи давомида ўтказилган назорат тадбирлари давомида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, назорат ва бошқа давлат органлари ходимлари томонидан содир этилган 12 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари аниқланиб, 1200 дан ортиқ мансабдор шахс маъмурий ёки интизомий жавобгарликка тортилди, 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилди. Бунинг натижасида 9350 тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ:

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАГИ ҲАВАС МАНЗИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида хусусий уй-жой қурилишини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори асосида туманда 2010 йилда 68 та уй-жойлар қурилган бўлса, 2011 йилнинг баҳорида бошланиб, бор-йўғи бир йил ичида ишга туширилди. 2014 йилда туман марказий шифохонасини мукаммал таъмирлаш учун давлатнинг 3,8 миллиард сўм маблағи йўналтирилди.



Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2010-2015 йилларда умумий узунлиги 50 километрга тенг ичимлик суви қувурлари тортилди. Шу муддат ичида туманда 46 километрлик ички йўлларга асфальт ётқизилиб, 35 километр янги газ тармоқлари ўрнатилди. Туман мудофаа ишлари бўлими учун бунёд этилган янги чақирув пункти қурилишига ҳам салкам 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Замонга мос шаҳарсозлик талабларига кўра, туман қиёфаси, айниқса, Янгибозор кўрғони кўринишлари кун сайин ўзгариб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда қурилиб, ишга туширилган ФХДЁ ва 2015 йилнинг ўзида бу кўрсаткич 275 тани ташкил этиб, шу кунгача 926 та замонавий уйлар барпо этилди. Йил охиригача бу кўрсаткич 1265 тага етказилади. Шунингдек, сўнгги йилларда тумандаги мавжуд 40 та умумий ўрта таълим мактаби ҳамда 9 та мактабгача таълим муассасалари давлат маблағлари ҳисобидан тўлиқ таъмирланиб, 20-, 28-, 29-умумтаълим мактаблари янги, замонавий спорт залларига эга бўлган бўлса, 2- ва 27-умумий ўрта таълим мактаблари қўшқаватли қилиб барпо этилди. 2013 йилда туман марказида мамлакат ғазнаси ҳисобидан сарфланган 2,5 миллиард сўм маблағ эвазига барча кулайликларга эга бўлган туман Болалар мусиқа ва санъат мактаби қад ростлади. Айни пайтда 3,5 миллиард сўм маблағ сарфланган ёпиқ сузиш ҳавзасига эга спорт мажмуаси қурилиши ниҳоясига етказилаяпти.

Бошланиши 1-бетда.



Биргина 2016 йилда туманда давлат инвестиция дастури негизида Мактабгача таълим ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи, 1-, 13-, 33-умумий ўрта таълим мактаблари биноларини мукаммал таъмирлаш учун 3 миллиард 440 миллион сўм маблағ сарфланаётир. 4-умумий ўрта таълим мактабининг янги спорт залига эса 680 миллион сўм маблағ ажратилгани эътиборга молик, албатта. Шунингдек, Саксон ота қишлоқ фуқаролар йиғини марказида қурилаётган болалар боғчаси, чекка қишлоқларда янгидан барпо этилаётган иккита маданият уйига 2 миллиард 200 миллион сўм маблағ сарфланаётир. Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси туман бўлими биносини бунёд этишга 857 миллион сўм миқдорида маблағ йўналтирилди.

Туманда инсон саломатлиги муҳофазасини кучайтириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жойларда барча замонавий ускуналар асосида бемор қон таҳлилидан бошлаб, онанинг кўксида ривож топаётган ҳомиланинг юрак уришини аниқ эшитиш имкониятига эга бўлган 18 та қишлоқ шифокорлик пунктлари ишлаб турибди. Бундан ташқари, ҳатто, жой ажратиш масаласи 1984 йилдан буён муаммо бўлиб келган туғуруқ мажмуаси қурилиши 2011 йилнинг баҳорида бошланиб, бор-йўғи бир йил ичида ишга туширилди. 2014 йилда туман марказий шифохонасини мукаммал таъмирлаш учун давлатнинг 3,8 миллиард сўм маблағи йўналтирилди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 2010-2015 йилларда умумий узунлиги 50 километрга тенг ичимлик суви қувурлари тортилди. Шу муддат ичида туманда 46 километрлик ички йўлларга асфальт ётқизилиб, 35 километр янги газ тармоқлари ўрнатилди. Туман мудофаа ишлари бўлими учун бунёд этилган янги чақирув пункти қурилишига ҳам салкам 1 миллиард сўм маблағ сарфланди. Замонга мос шаҳарсозлик талабларига кўра, туман қиёфаси, айниқса, Янгибозор кўрғони кўринишлари кун сайин ўзгариб бормоқда. Жумладан, 2015 йилда қурилиб, ишга туширилган ФХДЁ ва



олдин маслаҳат сўрамаган бўлса. Бунга минг шукрлар айтиб, амалга оширилаётган ишлардан, туғилиб ўсган юртим чиройининг кундан-кунга ўзгариб, фаровонлашиб бораётганидан чексиз қувонаман. Кўпчилик яхши билади, 2011 йил апрель ойининг иккинчи ярмида Жумабозор қишлоғида 18 кеча-кундуз ичида харобага айланган маҳалла марказининг қиёфаси тубдан ўзгартирилганди. Ўшанда 9 май – Хотира ва қадрлаш кунини нишонлашни шу қишлоқ марказига ўрнатилган Мотамсаро Она ёдгорлиги пойига гулчамбарлар қўйишдан бошлаган тумандошларимиз қисқа муддат ичида қилинган бу ободончиликни кўриб, қойил қолишган ва унинг бунёдкорларига тасаннолар айтишганди.

Орадан бир ҳафта ўтиб-ўтмасдан эзгуликка йўғрилган бу саъй-ҳаракат туманимиз маркази – Янгибозор кўрғонига кўчди. Мана энди, бундан атиги беш йил аввал бошланган ана шу улкан бунёдкорлик ишларининг самарасини ҳаммамиз кўриб, қувонаяпмиз. Хусусан, туманимиз марказидаги ўтган асрнинг 50-60-йилларида барпо этилган тўртта ёғоч устунли соябон остидаги кўҳна олди-сотди расталари ўрнида бугун замон талабларига мос "Деҳқон бозори" қад ростлагани, унинг бағрида турли озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларидан иборат истеъмол товарлари тўлиб-тошган савдо мажмуаларининг жой олгани айни муддао бўлди. Қорасув дарёсининг икки соҳилидаги пастқам иморатлар ўрнида икки-уч қаватли истиқлол иншоотларининг бўй кўрсатаётгани туманимиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Албатта, мустақиллик шарофати билан туманда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари эътибордан четда қолмаяпти. Биргина ўтган йилнинг ўзида тумандошларимиз орасидан бир эмас тўрт киши Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Юртбошимизнинг биргина ўтган йил мобайнида халқимизга турли муносабатлар билан йўллаган дил изҳорларида ҳам туманимиз номи уч маротаба тилга олинди. Яна бир қувончли хабар: туманимиздаги "Истиқлол" маҳалла фуқаролар йиғинига хизмат кўрсатувчи 294-милиция таянч пункти пойтахтдаги "Туркистон" санъат саройида бўлиб ўтган "Намунали милиция таянч пунктлари" кўрик-танловида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилиб, биринчи даражали диплом ва Matiz русумли автомашина билан тақдирланди. Шунингдек, мамлакатимиздаги мавжуд 1412 та касб-ҳунар коллежи ва 144 та академик лицейлар ўртасида Юқори Чирчиқ транспорт ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи "Энг яхши таълим муассасаси" кўрик-танловининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик йўналиши бўйича совриндор бўлди. Шу йилнинг 12-17 апрель кунларида Хитой Халқ Республикасининг Гонконг шаҳрида бўлиб ўтган ҳудудий саралаш мусобақасида тумандаги болалар-ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Зоҳид Кенжаев муваффақиятли иштирок этиб, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтказиладиган XXXI ёзги Олимпиадага стол тенниси бўйича йўлланмани қўлга киритди.

Ҳеч бир иккиланишларсиз айтиш мумкинки, истиқлол йилларида юртдошларимиз турмуш фаровонлиги ҳар томонлама юксалди. Аҳолининг ҳам моддий, ҳам маънавий бойликлари йилдан-йилга тинимсиз ўсаётгани, одамларнинг обод ва фаровон яшаши учун зарур инфратузилмаларнинг муттасил кенгайиб бораётгани бунга яққол далилдир. Хўш, бу ниманинг натижаси? Бу, албатта, мустақиллик меваси, юртимиздаги тинчлик, осойишталик шарофатидандир.

Ният қилайлик, барчамизни шарафларга буркаб, ҳуррият бешигида аллалаётган Ватанимиз мустақиллигини ёмон кўзлардан, ёвузликлардан асрасин!

Жамолиддин АБДИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Суратлар «Тошкент ҳақиқати» фотожамланмасидан олинди.

❑ Сурур

Истиқлолимизнинг 25 йиллик байрами арафасида вилоятимиз бўйлаб турли маданий-маърифий тадбирлар давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди ташаббуси билан Ангрен шаҳрининг сўлим Нишбош ва Лашкарак қишлоқларида "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" шиори остида ўтказилди.

ОЛИС ҚИШЛОҚДАН ОППОҚ ТИЛАКЛАР



Таърифига тил ожиз ажойиб масканнинг одамлари ҳам соддадил, самимий, юзларидан нур, мусаффо тоғ ҳавосига тўйинган соғлом жуссаларидан ҳаётбахш нур ёғилади. Қишлоқ аҳолиси, айниқса, чорвачилик, асаларичилик ва боғдорчиликнинг ҳадисини олган меҳнатсевар, бағрикенг. Байрам иштирокчиларини қучоқ очиб кутиб олган самимий чеҳралар қалбингизга илиқлик, меҳр-оқибат туйғуларини бахш этади.

Тадбир доирасида қишлоқ аҳолиси "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди вилоят бошқармаси тиббий-ижтимоий патронаж бригадаси аъзолари ҳамда Ангрен шаҳар кўп тармоқли марказий поликлиникасининг тажрибали шифокорлари иштирокида чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. 150 га яқин кексаю ёшни назоратдан ўтказган малакали шифокорлар аҳоли саломатлиги учун зарур бўлган муолажаларни тавсия қилишди. "Соғлом авлод учун" фонди томонидан зарурий дори-дармонлар тарқатилди. Байрам тадбири қишлоқда жойлашган "Гулистон" оромгоҳида давом этар экан, таниқли санъаткорлар, ангренлик хонандалар ижросидаги концерт дастури йиғилганларга завқ бағишлади. Кўр тўкиб ўтирган отахону онахонлар, меҳнат фахрийлари бугунги тинч, осуда ҳаёт, фаровон турмушимизга кўз тегмасин дея дуога қўл очдилар.

– Қишлоғимизда 937 нафар аҳоли, 247 та хонадон бор, – дейди "Лашкарак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Усмонали Тоштемиров. – Улар доим давлат, жамоат, уй-рўзғор ишлари билан банд. Меҳнатсевар, тадбиркор бўлганлари боис қозонлари ёғли, пичоқлари мой устида.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева иштирок этди.

Сайёра РИХСИЕВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.
Даврон АҲМАД олган сурат.

БИРИНЧИ АВГУСТ ҲАЯЖОНЛАРИ

❑ Абитуриент – 2016

Республикамизнинг нуфузли олий таълим муассасаларидан бири, вилоятимиздаги Тошкент Давлат аграр университетида ўқиш истагидаги ёшларнинг сони бу йил 14 мингдан ошиб кетди.



Олийгоҳнинг жорий қабул режасига мувофиқ 22 та бакалавриат таълим йўналишлари бўйича жами 1435 абитуриент талабаликка қабул қилинади. Уларнинг 395 нафари давлат грантлари ва 1040 нафари тўлов шартнома асосида, шунингдек, 23 та мутахассислик бўйича 131 нафар магистрант қабул қилиниши режалаштирилган. Демак, олдинда турган давлат тест синовлари жиддий ва муросасиз кечиши табиий. Шунга қарамай, ёшларимизнинг ўқиш, изланиш, Ватаннинг муносиб ўғил-қизи бўлишга интилиши кучли.

Қувонарлиси, уларнинг ҳар бири аниқ мақсад, ойдин келажак сари ишонч, қатъият, шижоат билан қадам ташламоқда. Айниқса, абитуриентлар учун яратилган қулай шароитлардан ёшлар ҳам, ота-оналар ҳам мамнун. Ҳужжат топшираётганларни кузатиб турган ўқитувчилардан бири, қабул комиссияси масъул котиби, "Селекция, уруғчилик ва ўсимликларни ҳимоя қилиш" факультети декани Иномжон Исроиловнинг айтишича, бу йилги қабул жараёни ҳар йилгидан-да масъулиятли. Янги очилган таълим йўналишлари – ўрмончилик ва ўрмон мелиорацияси, манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш, доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси йўналишлари бўйича яна 90 нафар абитуриент талабаликка қабул қилинади. Университет ректорининг буйруғи билан бу йилги қабул комиссиясига таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича кўп йиллик тажрибага эга бўлган 100 дан ортиқ юқори малакали профессор-ўқитувчилар жалб этилган.

Сайёра ЭШМАТОВА.
Мансур НАҲАЛОВ олган сурат.

❑ Бандлик

Қибрай туманининг "Янги Ўнқўрғон" маҳалласида "Насрулло ота" тикувчилик цехи иш бошлаганига кўп бўлгани йўқ.

БИТИРУВЧИНИНГ ИЛК МАОШИ

Бу цехда катталар ва болалар кийимларининг 5 тури ишлаб чиқарилмоқда. Бошланишида 10 та иш ўрни яратилган цех имконияти кейинчалик анча кенгайди. Мавжуд иш ўринларининг 40 фоизи коллеж ўқувчилари учун ажратилди.

Якка тадбиркор Ҳабибулла Файзиев билимли ва ишнинг кўзини биладиганлардан. Узоқ йиллар шу маҳалла раиси бўлиб ишлаган бу инсон тадбиркорликда ҳам ўзини синаб кўрди ва меҳнатига яраша самарага эришди.

– Бу тикувчилик цехига ишга кириб, ота-онамга ёрдам бераётганимдан хурсандман, – дейди коллеж битирувчиси Нозима Тожиева. – Шундай шароитда бизга бош-қош бўлаётган тадбиркоримизга раҳмат.

Моҳинур ЭВОДИЛЛАЕВА.

ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН ЮРТ

Хусусан, янги таҳрирдаги "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 32-моддасига мувофиқ, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови натижалари асосида бир ой муддат ичида фуқаролар йиғини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши)ни ўтказиш ва унда фуқаролар йиғини кенгашини шакллантириш, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ва тафтиш комиссиясини сайлаш белгиланган.

Зангиота тумани "Эски қалъа" маҳалласида бўлиб ўтган сайловлар натижасига кўра, қайта сайланган раис Маҳкам Ғозиев тезда енг шимариб ишга киришди. У ишни қонунга мувофиқ вакиллик йиғилишини ўтказишдан бошлади. Сабаб, маҳалла фаолияти самарадорлигини оширишда фуқаролар йиғинлари кенгашлари, жамоатчилик ва тафтиш комиссияларининг аҳамияти катта. Раис улар таркибига аҳоли ўртасида ҳурматга сазовор бўлган, тажрибали, айни чоғда ташаббускор инсонларни жалб қилди.

Бўлиб ўтган вакиллар йиғилишида фуқаролар йиғини кенгаши тузилди. Йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича жамоатчилик комиссиялари ҳамда тафтиш комиссиясининг янги таркиби шакллантирилди.

Бекобод шаҳридаги "Цементчи" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган вакиллик йиғилишида ҳам йиғин органи тўла шакллантирилди. 11 та асосий йўналиш бўйича комиссия таркиби ва аъзолари йиғилиш қарорига кўра тасдиқланди. 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси тузилди. Шунингдек, маҳалла котиби, посбони ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси ҳам вакиллар томонидан тайинланди.

– Маҳалла истиқболи нафақат раис ва унинг маслаҳатчилари, балки йиғин кенгаши, тафтиш комиссияси таркибидаги фаол ва ташаббускор фуқароларга ҳам боғлиқ, – дейди маҳалланинг жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссияси раиси Истам Музаффаров. – Умуман олганда, шакллантирилган янги таркиб икки ярим йил давомида ҳудудда маънавий муҳит барқарорлиги ва ёшлар бандлигини таъминлаш, хусусий ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш каби бошқа бир қатор вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратиб, маҳалладек ноёб бошқарув тизимининг ривожланишига хизмат қилиши шубҳасиз.

Нозима РАСУЛОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СОҒЛОМ МУҲИТ ТАРҒИБОТИ

Олмалиқ шаҳрида ижтимоий-маънавий муҳитни янада соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар ижроси юзасидан кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар фаоллари, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлар мутасаддилари иштирок этишди.

❑ Кун тартиби

Йиғилишда сўз олган вилоят ҳокимлиги котибият мудири Д. Чинниев ва бошқалар шаҳарда жиноятчилик, хусусан, хотин-қизлар ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ёшлар ўртасида ахборот хуружи ва маънавий-маърифий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш борасида муайян ишлар олиб борилаётганини қайд этган ҳолда, бу борадаги вазифалар кўламини янада кенгайтириш лозимлигига эътибор қаратдилар.

Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғини ва профилактика инспекторларининг узвий ва амалий ҳамкорлиги, аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишлар аҳволи таҳлил қилиниб, мавжуд камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ўртага ташланди. Бунинг учун ўзини ўзи бошқариш идораларидаги "Маслаҳат марказлари" фаолиятини замон талаблари даражасида қайта кўриб чиқиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Ўз мухбиримиз.

❑ Публицистика

«ЧЕҲРАНГДА НАМОЁН ВАТАН ЭРТАСИ...»

Ишдан қайтсам, ҳовлимизни пиёзли патирнинг ҳиди тутиб кетибди. Анчадан буён уйда нон ёпмай қўйгандик. Ҳайрон бўлиб тандирхонага ўтдим. Қарасам, келиним ҳозиргина тандирдан узган нонларни саватга тераётган экан.


– Ассалому алайкум, ойижон, – пешвоз чиқди Азизахон. – Кеча Сожида опоқи чиқарган ундан хамир қоргандим. Қаранг, бирам бўрсилдоқ нон бўлдики... – тандир тафтидан бўғриққан юзларини сочиқ билан артиб жилмайди у. – Набираларингизга кулча ҳам ёпиб бердим. Совуқ сувга бўктириб, маза қилиб ейишаяпти. Шундан сизни келганингизни сезишмади, шекилли. Ойижон, ҳозир чой дамлайман.

– Барака топинг, қизим, – дея хонамга қайтдим.

Сожидахон билан қўшнимиз. У миришкор фермер оиласининг бекаси. Турмуш ўртоғи, икки ўғли олий маълумотли агроном. Уста ғаллакор. Гектаридан 65-70 центнер ҳосил олишади. Янги ҳосил ўрими бошланишидан бир кун олдин: "Дуо қилинглар, ҳосилимиз бултургидан ҳам баракали бўлсин", деб қўшниларга ўтган йилги буғдойдан тортилган ундан тарқатади.

Турмуш ўртоғимнинг айтишича, ҳосили мўл эмиш. Шундай бўлиши аниқ, нега десангиз, улар далада астойдил меҳнат қилишади, ҳалол тер тўкишади. Даромади ҳам шунга яраша, қишлоқнинг ўзига тўқ оилаларидан. Кўз олдимга Сожиданинг самимий чеҳраси келиб, хаёлга толдим.

Сожида билан ёшлигимиз бирга ўтган. Ота-онамиз колхозда ишлашарди. Биз ҳам дарсдан қайтгач, сигирларимизни дала четига боғлаб, экин-тикинга қарашардик. Бир куни картошка теришга ёрдамлашдик. Қип-қизил картошкалар. "Бувим кўрда пиширилган картошкани яхши кўради. Озроқ уйга олиб кетайлик", деди у менга. Бизни уйда ҳам картошка қолмаганди. Икки дугона келишиб, катта-катта картошкалардан беш-олти килодан тўплаб, ерга кўмиб қўйдик. Оналаримизга ҳам айтмадик. Ҳамма даладан кетгач, оқшом пайти сигирларимизни катта йўлга солиб, яширган картошкаларни халтамизга шошиб-пишиб сола бошладик. Кўрқувданми ёки қилаётган ишимиз нотўғрилигини билганимиз учунми юрагимиз гурсиллаб урарди. Шу чоқ: "Қўлга тушдиларингми, ярамас ўғрилар. Ўзим ҳам айтдим-а, ҳаракатлари бежо, деб. Писмиқ оналарингнинг ўргатиб кетганда-а, колхоз отангни томоркасимиди, ҳосилни уйга ташмалайсан, ташла қўлингдагини", деган ҳайқириқ янгради. Мен овоз эгасини танидим. Ҳосилот ёрдамчиси Нишонбой ака. Қаҳри жуда қаттиқ. Ҳеч кимни аяб ўтирмайди. Биз бақириб йиғлаганимиз билан қишлоғимизда ер билан тиллашадиган, уни севган, ризқини деҳқончиликда деб билган юзлаб миришкор деҳқонларимиз маҳорати ва меҳнати юзага чиқаяпти. Абдуқаюм амаки ва унинг беш азамат ўғли, Жўра муаллимнинг тўрт паҳлавони сабзавотчилик ва боғдорчиликда ўз тажрибасию ютуқлари билан танилди. Ботиржоннинг ғаллазоридаги бўлиқ бошоқларни кўриб, республикамиз, болаларимиз ўқийдиган мактаб, қишлоқ врачлик пункти биноси, ҳашаматли тўйхона архитектураси унчабунча шаҳардаги иморатлар билан бемалол беллашади. Энг муҳими, қишлоқдаги бешта маҳалла биносида кутубхона ҳам ташкил қилинган. Спорт залларида соғлиғини тиклаган маҳалладошлар кутубхонада маънавиятини бойитади. Меҳнатнинг роҳатини кўриш, деганлари шудир-да.



– Сизларни ё қуёшингиз ўзгача ёки ерларингизда бошқа мамлакатларда бўлмаган қандайдир ўзига хос модда бор, – дейди хорижлик дугонам ҳовлимиздаги ҳосили мўллигидан эгилиб қолган дарахтдан қип-қизил нақш олмани олиб, ювмасданоқ карсиллатиб тишларкан. – Мен жуда кўп давлатларда бўлганман. У ерларда етиштирилган мева, сабзавотлардан тановул қилганман. Ҳатто, катталиги, чиройи, силлиқлиги билан дунё эътирофига сазовор бўлган голланд олмалари, карам, помидорларида ҳам сиз етиштирган меваларнинг таъми, мазаси йўқ. Тарвуз-қовунларингиз ширасиқу лабларни бир-бирига ёпиштириб ташлайди. Очиғи, баъзи Европа давлатларида етиштирилган мева-сабзавотларни ейишга чўчийман. Назаримда, улар таркибида соғлигимга зиён етадиган модда бордай туюлаверади.

– Бу рост гап. БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилотининг ўтган йили май ойида Римда бўлиб ўтган 39-конференциясида минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришган давлатларни тақдирлаш маросимида Ўзбекистон 14 давлат қаторида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда эришган мислсиз ютуқлари учун махсус мукофот билан тақдирланди, – суҳбатга қўшилади маҳалламиз маслаҳатчиси Ҳакимахон.

– Шундай экан, сира чўчимасдан ўзбек заминида пишиб етилган меваларни истеъмол қилаверинг. Биз уларга нафақат ишлов, балки меҳр ҳам берамиз, – дедим жилмайиб.

Халқимизнинг зироатчиликда ҳам, боғдорчиликда ҳам қадимий анъаналари бор. Лекин, энг муҳими, жуда меҳнаткашмиз. Не бахтки, бугун меҳнатларимиз роҳатини кўрмоқдамиз.

Ўтган йили меваларни қўшни давлатларга олиб чиқиб, сотадиган учар тижоратчилар машҳур фермер Абдуқаюм ака боғида етилган меваларга харидор бўлишди. Ҳосилни сал думбулроқ пайтида териб олиб, эвазига кўпроқ ҳақ тўламоқчи эканликларини айтишди. Бироқ, суяги боғбонликда қотган Абдуқаюм ака уларнинг бу "сахий"лигини қабул қилмади.

– Не умидлар билан етиштираётган ҳосилимиз кишиларга шодлик улашиш ўрнига, улар соғлиғига путур етказсинми! Асло. Сиз ҳам пул кетидан қувиб, имонингиздан айрилманг. Димлаб пиширилган мевалар инсон саломатлигига зиён етказади, – деди.

Манбалардан кўрсам, фермер ҳақ экан, хом узилган меваларда соланин деган модда вужудга келиб, инсон ҳаёти учун хавф туғдираркан.

– Агар Мустақиллик туфайли кўраётган рағбат, яратилган имконият ёшлигимда бўлганида эди, – дейди боғбон. – Афсус, энг кучга тўлган пайтимдаги билимим, тажрибам, меҳнатим роҳатини ўзим кўра олмадим. Сув чиқмаган ерга челаклаб сув ташиб, узум экдим. Токларим энди ҳосилга кирганида бузиб ташланди. Ҳар бир шохида 10-12 килограмм ҳосил берадиган олмазор боғимни бузиб, пахта экишди. Ишонсангиз, ўшанда ётиб йиғладим. Чунки, боғдаги икки хил нав олмани ўзим яратгандим. Улар ҳам жувонмарг бўлиб кетди. Худога шукр. Боғбоннинг кўксига шамол теккан кунларни ҳам кўрдим. Энди билганларимни набирам Сардорбойга ўргатаяпман. 20 гектар ерда боғимиз бор. Ҳосилдан шохлари ларзон-ларзон. Ҳадемай, элимиз дастурхонини безайди. Даромадимиз чўғидан тўй қилиш ниятидамиз. Ер билан тиллашиб миллионер бўлдим. Ҳамма ўғилларимда данғиллама уй-жой, қўша-қўша машина. Бир пайтлар: "Дада, ақалли битта "Запорожец"имиз ҳам йўқ, ўртоқларимдан уялаяпман", деган катта ўғлим бугун "Ласетти" минаяпти, трактори ҳам, юк машинаси ҳам бор. Менга "Дамас" маъқул. Бозор-ўчаримда беминнат дастёр...

Абдуқаюм акага ўхшаган тадбиркор, миришкор инсонлар туфайли қишлоғимиз обод. Улар ўз эҳтиёжларидан орттириб, болалар боғчасига, мактабга, "қўли калта" қўшниларга илинишади. "Элда бўлса, сенда бўлади", деганлари шу.

25 йил ичида қишлоғимиз, маҳалламиз, маҳалладошларимиз онгида юз берган ўзгаришлар, юксалишлар тимсолида бепоён Ватанимиз эришаётган улкан зафарларни кўраман. Ҳам моддий, ҳам маънавий соҳада қўлга киритган ютуқларимиздан ғурурланаман.

Иссиқ кулчаларни бағрига босиб, қучоғимга ошиқаётган набираларим чеҳрасида Мустақил Ўзбекистонимнинг порлоқ, соғлом эртасини кўраман. "Гектаридан 20 тоннадан картошка олдик", дея эшикдан ҳаяжонланиб кириб келадиган деҳқон болаларим, уларнинг дадаси истиқболига шодон пешвоз чиқаман.

Зеро, Ўзбекистон деб аталган гўзал ва бетакрор, муқаддас Ватаннинг фарзанди сифатида унинг ҳар бир ютуғидан шодланишга, бу тарихий жараёнларга дахлдорлик ҳисси билан яшашга барчамиз бурчлимиз.

Муҳаббат ҲАМИДОВА.

«ТАДБИРКОР»НИНГ ПАНД ЕГАН ТАДБИРИ

ёхуд солиқ тўлашдан қочишнинг оқибати

Мамлакатимизда бугун шундай муҳит яратилдики, мақсади аниқ, бизнес режасига эга бўлган ҳар қандай бўлғуси тадбиркор давлатимизнинг чексиз ғамхўрлигидан баҳраманд бўлмоқда.

❑ Жиноятга жазо муқаррар

Аммо, орамизда айрим "тадбиркор"лар ҳам борки, очиғи, уларни ким деб аташни ҳам билмайсан, киши. Янгийўл туманидаги "Ғайратбек" ва "Анвар Аваз Файз" номли МЧЖларнинг фаолияти билан танишиб туриб, ана шундай ўй кечди кўнгилдан...

Маълумки, бугун мамлакатимиз мислсиз бунёдкорлик майдонига айланди. Табиийки, бу жараёнда қурилиш маҳсулотларига, хусусан, пишган ғиштга бўлган талаб ортди. Бу эса, ўз навбатида, пишган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Ғайратбек" ва "Анвар Аваз Файз" жамиятлари учун имкониятлар эшигини очди. Ушбу имкониятни "ётиб қолгунча, отиб қол" қабилида тушунган жамият мутасаддилари қай йўсин билан бўлса ҳам фурсатдан имкон қадар унумли фойдаланишга киришдилар. Шу ўй уларни янада кўпроқ даромад олиш йўлларини излаб топиш ва алалоқибат жиноят содир этишларига сабаб бўлди.

Маълум бўлишича, 1998 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган "Ғайратбек" масъулияти чекланган жамиятига 2010 йилдан Анвар Азимов раҳбарлик қила бошлади. Мансабнинг кароматини кўринг, бир йил ҳам ўтмасдан у ғишт ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳадисини олди. Атрофига Абдуваҳоб Позилов, Рустам Умаров, Равшан Мирзаахмедов, Музаффар Ҳасанов ва Акмал Ўсаров каби содиқ одамларни йиғиб, ишни бошлади. Даставвал, жамият директорлигини А. Позиловга топшириб, ўзи иқтисодий масалалар бўйича ўринбосар сифатида жамиятни норасмий тарзда бошқара бошлади. "Бизнес" юришгандан-юришди. Албатта, бунда қўл-оёғи чаққон, корхонанинг норасмий таъминотчиси М. Ҳасанов ва Р. Мирзаахмедев ҳамда тошбақанида учиришга қодир бўлган корхона техника хавфсизлиги бўйича муҳандиси Р. Умаровнинг хизматлари катта бўлди. А. Азимовнинг куёви, 2012 йилдан корхонага ижарага олинган "Анвар Аваз Файз" МЧЖ раҳбари А. Ўсаровнинг ҳам муносиб улуши бор, албатта.

Гап шундаки, бу шоввозлар олдиндан жиноий тил бириктириб, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ҳужжатларда камайтириб акс эттиришган. Жумладан, биргина "Анвар Аваз Файз" МЧЖда 2013 йилнинг ўзида 13 миллиондан ортиқ ғишт ишлаб чиқарилган бўлса-да, амалда уни жиноий гуруҳ аъзолари қарийб 7 миллион донага камайтиришган. Бу орқали мазкур МЧЖ томонидан 2012 ва 2013 йилларда давлатга тўланиши лозим бўлган солиқлардан қарийб 120 миллион сўм "туя" қилиб юборилган.

Жиноят ишлари бўйича вилоят судининг очиқ суд мажлисида мазкур жиноий иш кўриб чиқилди ва жиноятчиларга нисбатан тегишли жазолар тайинланди.

Баҳодир БОБОЕВ.

Реклама ва эълонлар

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига тақроран Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент вилояти, Зангиота туманлараро судининг 25.12.2015 йилдаги № 1-7711/15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Пискент тумани, Эски Тошкент ҚФЙ, Турсуной Оҳунова ф/у ҳудуди, 5589,36 кв.м ер майдонида жойлашган, бошланғич баҳоси – 2 412 000 000 сўм бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички: 258.

Лицензия RR-0052.

"AUTO GARANT BUSINESS" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2016 йил 23 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулк ва автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. ТВХСнинг 21.11.2013 йилдаги № 11-1335/4804-сонли ижро варақасига асосан, Чирчиқ шаҳри, А. Темур шоҳкўчаси, 22-уй манзилида "Чирчиқ гўшт" агрофирмаси ҳудудида жойлашган, D 16,20,25,32,40,50,60 мм, ишлаб чиқариш қуввати 120кг/с бўлган полиэтилен трубаларини ишлаб чиқариш ҳамда D 75,90 ПО,125,140,160,180 мм, ишлаб чиқариш қуввати 220 кг/с бўлган полиэтилен трубаларини ишлаб чиқариш линиялари, бошланғич баҳоси – 203 695 000 сўм. 2. ТВХСнинг 16.05.2016 йилдаги № 11-1604/3113-сонли ижро варақасига асосан, Чирчиқ шаҳри, А. Навоий шоҳкўчаси, 92-уй манзили, "Чирчиққишлоқмаш" АЖ ҳудудида жойлашган, 400 тонналик кучланишга эга 3 дона гидравлик пресс, 110 тонналик кучланишга эга 4 дона гидравлик пресс, 60 тонналик кучланишга эга 3 дона гидравлик пресс, 1 комплект калава чувашга мослаштирилган металл қирқиш гильотин қайчиси, дуга роботларидан ташкил топган пайвандлаш ускунаси (8 комплект), пайвандлаш роботлари (4 комплект), манипуляцион роботлар (5 комплект), бошланғич баҳоси – 2 360 666 987 сўм.

Оҳангарон тумани СИБ томонидан: 1. ЖИБ Оҳангарон судининг 06.05.2015 йилги ҳукми ва № 1-196-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2014 й. и.ч., "ГБА СПГ ЗАЗ FORZA" русумли автотранспорт, д.р. 01 561 TTD, бошланғич баҳоси – 44 818 276 сўм. 2. ЖИБ Оҳангарон судининг 21.01.2015 йилги ҳукми ва № 1-27-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1987 й. и.ч., "ГБА СПГ Ваз 21063" русумли автотранспорт, д.р. 01 О 056 QA, бошланғич баҳоси – 7 010 229,40 сўм.

Қибрай тумани СИБ томонидан: 1. 16.05.2016 йилги №7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 2013 й. и.ч., "Дамас" русумли автотранспорт, д.р. 10 499 ХАА, бошланғич баҳоси – 38 802 062 сўм. 2. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1989 й. и.ч., "ГАЗ САЗ-5307" русумли автотранспорт, д.р. 10 589 GAA, бошланғич баҳоси – 10 631 797 сўм. 3. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1989 й. и.ч., "ЗилММЗ-45021" русумли автотранспорт, д.р. 10 590 GAA, бошланғич баҳоси – 9 890 800 сўм. 4. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1991 й. и.ч., "Зил ММЗ-4502" русумли автотранспорт, д.р. 10 591 GAA, бошланғич баҳоси – 25 139 216 сўм. 5. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1983 й. и.ч., "Зил 130КС2561" русумли автотранспорт, д.р. 10 592 GAA, бошланғич баҳоси – 22 754 428 сўм. 6. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1989 й. и.ч., "Газ5312" русумли автотранспорт, д.р. 10 593 GAA, бошланғич баҳоси – 11 103 863 сўм. 7. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1989 й. и.ч., "Газ5204" русумли автотранспорт, д.р. 10 594 GAA, бошланғич баҳоси – 6 722 891 сўм. 8. 16.05.2016 йилги №7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1982 й. и.ч., "Газ5204" русумли автотранспорт, д.р. 10 596 GAA, бошланғич баҳоси – 5 796 810 сўм. 9. 16.05.2016 йилги № 7839/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, 1990 й. и.ч. "Зил 431412" русумли автотранспорт, д.р. 10 597 GAA, бошланғич баҳоси – 25 831 325 сўм.

2016 йил 8 август куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги автотранспорт воситалари тақроран қўйилмоқда:

Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан: 1. ТВХСнинг 25.11.2013 йилдаги № 11-1332/5264-сонли ижро варақасига асосан, 2000 й. и.ч., "ГАЗ3102" русумли автотранспорт, д.р. 10 140 ААА, бошланғич баҳоси – 18 221 400 сўм. 2. 30.10.2015 йилдаги бирлаштириш қарорига асосан, 2013 й. и.ч., "СПАРК" русумли автотранспорт, д.р. 10 290 ХАА, бошланғич баҳоси – 31 962 000 сўм. 3. ТВХСнинг 25.01.2016 йилдаги № 11-1505/19638-сонли ва 05.03.2016 йилги 11-1602/1559-сонли ижро варақаларига асосан, 2011 й. и.ч., "Нексия" русумли автотранспорт, д.р. 10 265 ТАА, бошланғич баҳоси – 32 307 300 сўм. 4 ТВХСнинг 25.03.2014 йилдаги № 11-1403/1622-сонли ижро варақасига асосан, 2009 й. и.ч., "Лада 21154-120-20" русумли автотранспорт, д.р. 10 414 САА, бошланғич баҳоси – 18 478 800 сўм. 5. ЖИБ Чирчиқ шаҳар судининг 06.01.2016 йил № 1-1-сонли ижро варақасига асосан, 1996 й. и.ч., "ГБА СПГ ВАЗ-2106" русумли автотранспорт, д.р. 10 S 981 СА, бошланғич баҳоси – 5 936 439 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади.

Юқоридаги мол-мулк ва автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Auto Garant Business" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, ИНН 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (371) 233-61-44.

Гувоҳнома № 004593.

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан, ЖИБ Тошкент вилояти судининг 20.07.2015 йилдаги, 2-285-30М-14-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Конструкторчилар кўчаси, 13-уй манзилида жойлашган, умумий майдони 248,47 кв.м., яшаш майдони 126,88 кв.м.дан иборат 2 қаватли иморат, 6 та яшаш хонаси, ошхона, 2 та даҳлиз, ваннахона, 2 та ҳожатхона, 2 та шийпон, ертўладан иборат кўчмас мулк, қурилиш жойи 180,52 кв.м, томорқа 734,7 кв.м қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 668 340 904 сўм.

Аукцион савдолари 2016 йил 23 август куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 19 август соат 18.00.

Савдога қўйилган мулклар билан тегишли шаҳар суд ижрочилари вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АИТБ "Ipak yo'li" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000000433601001, МФО 01036. ИНН 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун аризалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Осиё кўчаси, 1-уй. Телефон: (+99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz.

Лицензия RR-0225.

Тошкент вилояти Фермерлар кенгаши кенгаш раиси Тўлқин Тўраевга падари бузруквори

АБДУҒАНИ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МАЪРИФАТЛИ ЭЛ ШИЖОАТЛИ БЎЛУР

Китоб ва канцелярия моллари дўконининг эски биноси ўрнида замонавий кўринишдаги "Китоб олами" мажмуасини барпо этиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори мавжуд бўлишига қарамай, турли баҳоналар билан қурилиш ишлари пайсалга солиб келинмоқда.

Шунингдек, айрим ҳудудларда китоб дўконлари фаолиятини юқори савияда ташкил этишга етарли эътибор қаратилмаяпти. Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қарори ижроси ҳамда вилоятнинг туман ва шаҳар марказларида замонавий "Китоб олами" мажмуаларини ташкил этиш масаласи Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2016 йил 15 мартда бўлиб ўтган сессиясида жиддий муҳокама қилиниб, аниқ вазифалар белгилаб берилган эди. Аммо, мавжуд дўконлардаги пештахталарда нари борса 20-30 номдаги бир ярим-икки минг донага яқин китоблар мавжудлиги ачинарли ҳолат. Уларнинг ҳам аксарияти "кўча адабиёти"

Бошланиши 1-бетда.

эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, тадбиркорнинг ўқувчилар энтикиб кутаётган сифатли, бадиий юксак савиядаги мумтоз ва замонавий асарларни эмас, балки кўпроқ бозорбоп, шов-шувли, олди-қочди китобларни танлашга ҳаракат қилиши ойдинлашади. Китоб бизнесини бу йўл билан эмас, миллий ва жаҳон адабиёти дурдоналарини тарғиб қилувчи, таркибида "Интернет кутубхона", "Онлайн китоб дўкони" тармоқлари мавжуд бўлган замонавий "Китоб олами" мажмуалари фаолиятини кенг йўлга қўйиш орқали ривожлантириш зарур.

Яна бир гап, китоб дўконлари фаолиятини ўрганиш жараёнида айрим мутасаддилар томонидан: "Туманларда китоб дўконларини катта қилиб қуриш шартми, барибир китоб ўқийдиган одам кам, тадбиркор шунча маблағ сарфлагандан кейин, савдо кетмай турса харажатга куйиб қолмайдими?" деган фикрлар билдирилди. Бироқ, Тошкент шаҳри марказида қуриб, ишга туширилган намунавий "Китоб олами" мажмуаси фаолияти бу каби қарашларнинг асоссиз эканлигига ёрқин мисолдир. Янги йил арафасида фойдаланишга топширилган ушбу мажмуага дастлабки уч ойнинг ўзида минглаб китобхонлар ташриф буюриб, республикамизнинг етакчи нашриётларида чоп этилган 100 мингдан ортиқ китобларни харид қилдилар. Қолаверса, "Китоб олами" мажмуасида ўтказилаётган таниқли шоир-ёзувчилар билан учрашувлар, янги китобларнинг тақдимотлари ва бошқа тадбирлар нафақат мажмуанинг нуфузини оширишга, балки аҳолини миллий ва жаҳон адабиёти намуналари билан кенгроқ таништиришга хизмат қилмоқда. Мана шунинг ўзиёқ халқимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида китобнинг ўрни нечоғлик юксак эканлигини исботлаб турибди.

– Мен Тошкент вилояти шаҳар-туманларида ҳам муҳташам "Китоб олами" мажмуалари қад кўтаришини орзу қиламан, – дейди Зангиота туманида фаолият кўрсатаётган "Назирхўжа ота" хусусий корхонаси раҳбари Шуҳрат Муҳаммадхўжаев. – Шу сабабли тумандаги Зангиота зиёратгоҳи яқинида шундай мажмуани барпо этишни ният қилдик. Бугунги кунда ер ажратиш, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари охирига етказилди. Бинони лойиҳалаштириш жараёнида пойтахтдаги "Китоб олами" мажмуасини бир неча марта бориб кўрдим. Насиб этса, икки қаватдан иборат, интернет кутубхона тизими мавжуд бўлган замонавий "Китоб олами" мажмуаси нафақат вилоятимиз ва туманимиз аҳлига, балки юртимизнинг турли ҳудудларидан ташриф буюрадиган меҳмонларга, хорижий сайёҳларга ҳам хизмат кўрсатади. Китоб сотишдан келадиган фойдадан кўра, китоб орқали олинадиган маънавий бойлик муҳимроқ. Қолаверса, юртимизда эзгу ишларга қўл ураётган тадбиркорларнинг ризқи ҳеч қачон кам бўлган эмас.

Бироқ, хайрли ниятлар билан бошланган, Мустақиллигимизнинг 25 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган "Китоб олами" мажмуаси қурилиши турли сабаблар билан кечиктириб юборилмоқда. Туман ҳокимлиги ва тегишли мутасаддилар сессия қарори ижросини ўз вақтида таъминлаш бўйича амалий чоралар кўриши мақсадга мувофиқдир.


Шу жойда яна бир жиҳатга эътибор қаратсак: оммавий ахборот воситаларида тарқатилган маълумотларга кўра, истиқлолгача мамлакатимизда атиги 9 та нашриёт ва 149 та матбаа корхонаси мавжуд эди. Бугунги кунда эса Ўзбекистон ҳудудида 110 дан зиёд замонавий нашриётлар, бир ярим мингдан ортиқ матбаа корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Мавжуд нашриётларда ҳар йили 2500 дан зиёд, умумий адади 40 миллион нусхадан кўпроқ китоблар ўқувчиларга етказиб берилаяпти. Бир қатор етакчи нашриётлар Хитой, Германия, Россия, Эрон ва бошқа мамлакатларда ўтказилган халқаро китоб ярмаркаларининг совриндорлари бўлишди. Ўзбек ёзувчилари томонидан яратилган бир қатор дурдона асарлар дунё тилларига таржима қилиниб, хорижда қўлма-қўл ўқилмоқда. Интернет тармоқларида, махсус веб-сайтларда нафақат таниқли адибларнинг, балки иқтидорли ёш шоир-ёзувчиларнинг ҳам сара асарлари ўз мухлисларини топмоқда. Шундан кейин ҳам "бизда ўқийдиган китоблар кам" дейишга бирор асосимиз борми?

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

XXI аср ва дунё

Кампир... "қовун туширди"

Нюрнбергдаги Санъат ва дизайн музейида кутилмаган воқеа юз берди.



Томошага келган 91 ёшли кампир экспонатлар орасидаги суратда тасвирланган кроссвордни ечиб, санъат асарига жиддий шикаст етказиб қўйган.

Даниялик рассом Артур Кепке ижодига мансуб бу асар 116 минг АҚШ долларига баҳоланган.

Кампир ҳуқуқ-тартибот мулозимлари билан суҳбатда сурат юқорисида "Сўзни қўй" деган ёзувни кўриб, шундай қилиш керак экан, деб ўйлаганини иддао қилди.

Яхшиямки, санъат асари суғурта қилинган экан. Етказилган зарар суғурталовчи компания томонидан қопланди ва кампирга ҳеч қандай жазо чораси қўлланилмади. Аксинча, музей раҳбарияти ва суратнинг асл эгаси бўлган шахсий коллекционер бу ҳолни юмор билан қабул қилишди.

Электр токи кўзни равшан қиларкан

Электр токи таъсири билан кўзнинг кўриш қобилиятини ошириш мумкин экан.



Вандербильт университети олимлари изланиш ва тажрибалардан кейин шундай хулосага келишди.

Уларнинг сўзларига кўра, миянинг алоҳида белгиланган қисмларини 20 дақиқа мобайнида электр токи ёрдамида қўзғатиш орқали кўз фаолиятини яхшиласа бўлади.

Синов-тажрибада иштирок этганларнинг 75 фоизида ижобий натижа қайд этилгани таъкидланади "Deccan chronicle" нашри ахборотида.

Эгизаклар қишлоғи

Хитойнинг атига 367 хонадон яшайдиган кичик бир қишлоғида 39 жуфт эгизак умргузаронлик қилмоқда.



"Цзянцзинь" деб номланувчи аҳоли пунктидаги энг митти эгизаклар 9 ойлик, уларнинг энг ёши улуғи эса тўқсонни қоралаб қўйган. Тарихдан маълумки, бу юртда эгизаклар бахт ва омад тимсоли ҳисобланади. Шу боис, бундай жуфтликлар ниҳоятда эъзозланади.

Энг қизиғи, қишлоқда эгизаклар феномени нафақат одамлар, балки... хонаки паррандаларга ҳам юққан кўринади. Негаки, бу ердаги хонадонларда боқилаётган товуқларнинг ҳар иккисидан бири сариғи иккита бўлган тухум қўяди.

Қон босимининг янги давоси

Бохум университетити олимларининг мана бу назарияси қон босимидан шикояти борлар учун айни муддао, деса бўлади.

Гап шундаки, олимлар ўз тадқиқотларида мумтоз мусиқаларни тинглаш орқали юрак мушакларига ижобий таъсир ўтказиш мумкинлигини исботлашди. Тадқиқотлар натижасига кўра, мумтоз бастакор Моцарт яратган симфонияларни тинглаш артериал қон босимини тушириши, Штраус басталаган куйлар эса пульсни мақбуллаштириши маълум бўлди.

Афсуски, ҳозирча олимлар ўз тажрибаларида миллий мусиқамиздан фойдаланганларича йўқ. Агар шундай бўлганида бундан ҳам ижобий хулосаларни ўртага ташлаган бўлармидилар?!

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Одамийлик шеваси

«ОЙИ, МЕН КЕЛДИМ...»

Бир енгилроқ журналда шундай гап ўқиб қолдим: "... Агар эркак киши уйига кеч қолса, аёли: "Ишқилиб, бирон тасига илакишиб юрмаяптимикан?" деб, дарров ёмон хаёлга бораркан.

"Эсон-омон келсинда, бирор кор-ҳол бўлмадимикан?" Бу эса онанинг хавотири экан..."

Буни эслаганимнинг боиси – саволингизни кутаяпман: "Нима гап ўзи?"

Айтарлик гап йўқ. Шунчаки, бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман, холос.

Чамаси, май ойлари эди. Бурчмуллалик бир дўстимиз меҳмондорчиликка чақирди. Чотқолнинг пурвиқор тоғлари этагида ястанган сўлим адирлардаги лола сайли, алламаҳалгача давом этган улфатчилик ўша даврада бўлган курсдош дўстларимизнинг ҳануз ёдида бўлса керак. Гурунг қизигандан қизиб, вақт ўтганини, кеч туша бошлаганини ҳам пайқамай қолибмиз. Боз устига бир зумлик баҳор ёмғири, момақалдироқнинг даҳшатли гумбурлаши, тоғлар узра бостириб келаётган тун пардаси – буларнинг бари қанчалар гўзал ва ҳайратланарли бўлса, шунчалар ваҳимали ҳам эди.

Секин ортга қайтишни кўнглимга тугиб, даврадошлардан изн сўрадим. Табиийки, бундай пайтда осонликча жавоб тегмайди. Ўшанда ҳам шундай бўлди. Мезбон астойдил ранжиди, бир кеча тунаб, эрта билан йўлга чиқишга кўндирмоқчи бўлди, унамадим.

– Кетмасам бўлмайди, – дедим, – Қибрайгача ҳали салкам икки соатлик йўл...

Мезбонлар яна "қолинг-қолинг" қилишди. Қарасам, ҳеч илож йўқ.

– Онам хавотир оладилар, – дедим ниҳоят жиддийлашиб. – Қолишимни аввалроқ билганимда келинингизга айтиб, бирорта туфлигимни кечқурун остонага чиқартириб қўярдим. Энди айтай десам, бу ерларда алоқа яхши эмас экан...

Мезбонлар гапимга ажабланишди. Мен изоҳ бердим:

– Бу – "Ойи, мен келдим", деганим бўлади. Гап шундаки, онам ҳар оқшом ярим тунда ҳовлимизга чиқиб, келинингиз тушган уйнинг остонасини кўриб кетадилар. Агар пойабзалим турган бўлса, хотиржам бориб ётадилар. Йўқ бўлса, тонггача мижжа қоқмай, юрак ҳовучлаб чиқадилар...

Даврадагилар яна ҳам ажабланиб қарашди. Зум ўтмай мезбон фотиҳага қўл очди.

– Майли, шу гапингиз учун ҳам сизга жавоб берамиз. Фақат эҳтиёт бўлиб кетинг, оқ йўл.

Бу гапга ҳам анча бўлди. Лекин, онам ҳануз ярим кечаси ҳовлига чиқиб, пойабзалим бор-йўқлигини бир текшириб қўйиш одатларини ташламаганлар. Баъзан хизматчилик биланми ёки дўстлар раъйига қарабми, бирор ерда тонготар қилишга тўғри келиб қолса, кўз ўнгимда дадамнинг чопонини елкасига ташлаб, етти хуфтонда уйимиз остонасида менинг туфлигимни қидираётган муштипар онам сиймоси кўз ўнгимда гавдаланаверади.

Ана шу меҳр мени ҳар куни кеч бўлди дегунча уйимиз томон бошлаб келаверади.

Муҳаммад АЪЛО.

Болалар ёзи – 2016

БЎСТОН БАҒРИДАГИ НИҲОЛЛАР



Бўстонлиқнинг тоғли ҳудудларида жойлашган Юсуфхона қишлоғидаги "Ниҳол" болалар соғломлаштириш оромгоҳи жазирама ёзда ҳам ўзининг ҳузурбахш, соя-салқинлиги билан дам олувчиларга роҳат-фароғат бағишлайди.

Бу ерда ҳар мавсумда 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган 150 нафар ўғил-қиз дам олиш билан бирга турли тўгарак машғулотларида билим доирасини кенгайтириб, спорт билан шуғулланишади. Инглиз тили чуқур ўргатиладиган мазкур оромгоҳда амалий ва тасвирий санъат, компьютер саводхонлиги, шахмат-шашка, рақс, шунингдек, турли спорт тўгараклари ҳам фаолият юритади. Футбол, волейбол, баскетбол майдончалари, замонавий сузиш ҳавзаси, 2000 китоб захирасига эга каттагина кутубхона болажонлар хизматида.

– Мен Қибрай туманидаги 14-умумтаълим мактабида ўқийман, – дейди Жаҳонгир Ўсаров. – Бу ерда иккинчи бор дам оляпман. Инглиз тили машғулотлари, спорт тўгаракларида, кутубхонада вақт қандай ўтганини сезмай ҳам қоласиз. Айниқса, табиат манзараларини томоша қилиш жону дилим. Унинг чиройини мўйқалам-да акс эттириш ниятидаман.

– Болажонларнинг мароқли, мазмунли дам олишлари учун барча зарур шароитлар яратилган, – дейди оромгоҳ директори Иброҳим Нурметов. – Муассасамизда нуфузли олий ўқув юртларидан жалб қилинган меҳрибон тарбиячилар, билимдон мутахассислардан иборат етакчилар жамоаси фаолият олиб боришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, оромгоҳ 2015 йилда "Бахтиёр болалар мамлакати" шиори остида ўтказилган ёзги дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотларининг республика форумида иштирок этиб, "Йилнинг энг намунали оромгоҳи" номинацияси ғолиби бўлган.

Саида ИКРОМОВА.
Даврон АҲМАД олган суратлар.



«Ҳаёт қўшиғи»

Янги китоб

Ўрта Чирчиқ тумани "Машъал" газетасида узоқ йиллардан бери самарали меҳнат қилиб келаётган журналист Маъмур Бозоралиев (Маъмур Бозор Али) истеъдодли шоир сифатида шеърият мухлислари орасида яхши таниш.

Яқинда шоирнинг учинчи шеърий китоби – "Ҳаёт қўшиғи" "Тафаккур қаноти" нашриётида босмадан чиқди. Китобда мустақиллик саодати, миллий қадриятлар, эзгу инсоний муносабатлар, олижаноб фазилатлар самимият билан куйланган.

Шубҳасиз, Маъмур Бозор Алининг "Ҳаёт қўшиғи" китоби ўқувчилар маънавий оламини бойитиш, ёшлар юрагига юрт меҳри, Ватан туйғусини сингдиришга хизмат қилади.

Хуршид МАРУЛОВ.

Спорт

Футзал

«ОЛМАЛИҚ» – ЧОРАК ФИНАЛДА

Таиландда футзал бўйича клублар ўртасидаги Осиё чемпионати давом этмоқда. Бугун мусобақанинг чорак финал ўйинларига старт берилади.

Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилаётган "Олмалиқ" клуби гуруҳда иккинчи ўрин билан кейинги босқичга чиққан эди. Бугун Александр Петров шогирдлари мусобақа мезбони, "А" гуруҳи ғолиби Таиландниг "Чонбури Блювейв" клубига қарши майдонга тушадилар. Ўйин Тошкент вақти билан соат 17:45 да бошланади.

Теннис

ФАРРУХНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Тошкентдаги Республика Олимпия захиралари теннис мактабида норасмий Жаҳон чемпионати ҳисобланган Дэвис Кубоги доирасидаги Ўзбекистон ҳамда Хитой терма жамоалари ўртасидаги учрашув якунланди.

Унда мамлакатимизнинг иккинчи ракеткаси Фаррух Дўстов ажойиб ва муҳим ғалабани қўлга киритди. Хитойлик Ди Вуга қарши кортга чиққан ҳамюртимиз рақибини 7:6, 6:3, 7:6 ҳисобида доғда қолдирди. Бу билан Дўстов терма жамоамизнинг умумий 3:2 ҳисобидаги ғалабасини таъминлади. Бундан аввалги учрашувда мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Денис Истомин Зе Жангга 6:3, 5:7, 6:2, 1:6, 4:6 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйганди.

Бугунги ғалаба Ўзбекистон терма жамоасини Жаҳон лигасига ўтиш учун ўтказиладиган плей-офф учрашувига олиб чиқди. Тез орада терма жамоамизнинг бўлажак рақиби қуръа ташлаш йўли билан аниқланади.

ШАРИПОВА САКРАМЕНТОДА

Бугун истеъдодли теннисчимиз Сабина Шарипова АҚШнинг Сакраменто шаҳрида ўтказилаётган турнирдаги иштирокини бошлайди.

Ҳамюртимиз соврин жамғармаси 50 минг АҚШ долларини ташкил этувчи мазкур турнирнинг яккалик баҳсларида саккизинчи рақам остида таснифланган. Бугун Шарипова илк даврада австралиялик Сторм Сандерсга қарши кортга чиқади.

Эслатиб ўтамиз, ўтган ҳафта Сабина Шарипова Стоктон шаҳридаги мусобақада иштирок этган ва биринчи даврадаёқ мағлубият аламини тотиб кўрган эди.

Ф. ТОЛИПОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги
Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ
Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz
Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.
Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Навбатчи муҳаррир Фарҳод ТОЛИПОВ
Навбатчи Нозима РАСУЛОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ
Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6516. Адади 7505. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.
"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.10.